

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI
HOKIMI
QARORI

O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил "18" _____

№ 4119

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан "GREEN HOUS SABZAVOTLARI" масъулияти чекланган жамиятига замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

"GREEN HOUS SABZAVOTLARI" масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг Янгибозор туманидаги Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган ёзишмасини ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосасини, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг хулосасини, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг хулосасини, туман СЭО марказининг хулосасини, туман ФВ бўлимининг хулосасини ҳамда ушбу юзасидан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси, хулосаси ва баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг "GREEN HOUS SABZAVOTLARI" масъулияти чекланган жамиятига Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан қишлоқ хўжалик ер харитасининг 533к-контуридан 2,1 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 0,4 гектар ер майдони 41 балл бонитетли, 1,7 гектар ер майдони 32 балл

бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш тўғрисидаги далолатномаси, хулосаси ва баённомаси маъқуллансин.

2. "GREEN HOUSE SABZAVOTLARI" масъулияти чекланган жамиятига Оёқдўрман қишлоғи қишлоқ хўжалик ер харитасининг 533к-контуридан 2,7 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 0,4 гектар ер майдони 41 балл бонитетли, 1,7 гектар ер майдони 32 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш берилсин.

3. "GREEN HOUSE SABZAVOTLARI" Масъулияти чекланган жамиятига;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда тегишли корхона ташкилотлардан хулосалар олиш вазифаси юклатилсин.

- мазкур қарор АРТ-1, АРТ-2 ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун асос бўлиб олмадлиги эслатиб ўтилсин;

- Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-қисмига мувофиқ

2 йил мабойнида ажратилаётган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда ва бошқа мақсадда фойдаланилганда қабул қилинган қарор ўз қучини йўқотиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Р.Рахимов)га Вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин 2(икки) кунлик календарий иш кунда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ер ресурслари ва ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ажратиш берилган ер майдонини ўз жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ва ер ҳисоботида ўзгартириш киритиш, туман архитектура ва қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қурилишни шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида қурилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

8. Ушбу қарор топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Тўлиев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов